



BUYRUQ

№ 140

“18” 05 2020

Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги
Жамоатчилик кенгашининг янги
таркибини тасдиқлаш тўғрисида

Қурилиш вазирлигини 2018 йил 12 июлдаги 95-сонли буйруғининг 2-илоvasи билан тасдиқланган Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзоларини янги таркибда тасдиқлаш ҳақидаги Кадрлар бошқармасининг 2020 йил 15 май кунги билдиргисини инобатга олиб

Б У Ю Р А М А Н :

1. Қурилиш вазирлигининг 2018 йил 12 июлдаги 95-сонли буйруғининг 2-илоvasи билан тасдиқланган Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзоларини янги таркибини тасдиқлаш тўғрисидаги Кадрлар бошқармасининг таклифи мақуullanсин.

2. Қурилиш вазирлигининг 2018 йил 12 июлдаги 95-сонли буйруғининг 2-илоvasи бекор қилинсин.

3. Мазкур буйруқнинг иловасига мувофик Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашининг янги таркиби тасдиқлансин.

4. Вазирлик девонхонаси (Г.Отабаева) ушбу буйруқни таркатгич кўрсатгичига асосан етказилиши таъминлансин.

5. Мазкур буйруқни бажарилишини назорат қилиш вазир ўринбосари К.Н.Туляганов зиммасига юклатилсин.

Вазир ўринбосари

Э.Б.Искандаров

Курилиш вазирлигининг
“ 18 ”.05.2020 йилдаги
“ 140 ”-сонли буйруғига
илова

**Курилиш вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши
АЪЗОЛАРИ**

Жамоатчилик кенгаши раиси:

“УзГАСHKЛИТИ” МЧЖ Бош директори - Ю.Д.Магруппов

Жамоатчилик кенгаши раиси ўринбосари:

“ТошуйжойЛИТИ” АЖ Бош директори - Н.Ж.Норматов

Жамоатчилик кенгаши котиби:

“Қишлоққурилишлойиха” МЧЖнинг
техник бўлим бошлиғи - С.У.Сапаев

Жамоатчилик кенгаши доимий аъзолари:

1. “ТошуйжойЛИТИ” АЖ Бош инженери - Рустамов Шухрат;
2. “ТошкентбошпланЛИТИ” АЖ Бош директори - Адилходжаев Баходир Ишанович;
3. “ЎзшаҳарсозликЛИТИ” ДУК бош архитектори - Шаназаров Шодиёр Турсунович;
4. “Ўзоғирсаноатлойиха” АЖ директори - Юлдашев Олим Маджидович;
5. ТАҚИ ректори - Хакимов Равшан Рашодович;
6. СамДАҚИ ректори - Ахмедов Султан Ильясович;
7. ТАҚИ профессор ўқитувчиси-Асқаров Шукур Джураевич;
8. “Қишлоққурилишлойиха” МЧЖ Бош директори - Ахмедов Илхом Султанович